

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШОВ МАНСУР АРЗИКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ТИПДАГИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА БАЛИҚ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ БИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.15 – Ихтиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Юлдашов Мансур Арзикулович

Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ
маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асослари

3

Юлдашов Мансур Арзикулович

Биологические основы повышения рыбопродуктивности разнотипных
водоемов Узбекистана

27

Yuldashov Mansur Arzikulovich

Biological principles of fish productivity increasing in different-type
water bodies in Uzbekistan

49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

53

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШОВ МАНСУР АРЗИКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ТИПДАГИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА БАЛИҚ
МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ БИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

03.00.15 – Ихтиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1DSc/B35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси(www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Бахтиёр Курамбоевич
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Холбоев Фахриддин Рахмонкулович
биология фанлари доктори

Боймурадов Хусниддин Тошболтаевич
биология фанлари доктори, профессор

Сайдулла Дадаев
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» февраль куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» февраль куни тарқатилди.

(2019 йил «12» февралдаги 17- рақамли реестр баённомаси)

Д.А.Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳоли сонининг тез суръатларда ошиб бориши уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жумладан, балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам тобора ўсишига олиб келмоқда. Бироқ, кўпгина мамлакатларнинг денгиз ва океанлардан узоқда жойлашганлиги ҳамда чучук сув ҳавзаларининг чекланганлиги курғоқчил ҳудудларида маҳаллий шароитларга мос балиқчилик хўжалиklarини ташкил этиш ва мавжуд сув манбаларида балиқчиликни ривожлантириш учун йўналтиришни талаб этмоқда. Шунга кўра, турли типдаги сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун қулай технологияларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ички сув ҳавзалардан самарали фойдаланиш технологияларини ривожлантириб, балиқ овлашни бошқариш ҳамда балиқ захираларидан фойдаланиш орқали ҳавзалар балиқ маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, овланадиган балиқлар ихтиофаунасини сунъий шакллантириш йўллари аниқланди, яйлов аквакультурасини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилди, турли типдаги сув ҳавзаларининг табиий озуқа базасини бойитиш усуллари яратилди. Таъкидлаш лозимки, балиқ маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг ҳажмини кўпайтириш фақатгина мавжуд бўлган ички сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин. Бу борада, сув ҳавзаларининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқишда муайян сув типларининг балиқлар модда алмашинувида индивидуал таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, саноатни маҳаллийлаштириш муҳим саналади. Шунга кўра, аквакультурада муайян ҳудудда ўстиришга мослашган балиқ турлари рўйхатини кенгайтириш орқали уларни аквакультуранинг турли тизимларида ўстириш технологияларини ишлаб чиқиш, балиқлар ўстириш тиғизлигининг сув сифатига таъсирини асослаш, сув сифатини бир меъёردа сақлаб туриш йўллари аниқлаш, маҳаллий ингредиентлар ҳисобига юқори оқсилли баланслаштирилган озуқа элементларини ишлаб чиқиш илмий – амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш, аҳолини сифатли балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, балиқчиликда наслчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, балиқ турларини иқлимлаштириш йўллари ишлаб чиқилди, маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда балиқ турларини кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмлари оширилди ҳамда балиқ етиштиришнинг интенсив усуллари амалиётга жорий этилди. Балиқчиликни ривожлантиришга оид вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қарорларида¹ жумладан, ПҚ – 2939 қарорда «сунъий ва табиий сув ҳавзалар захираларидан самарали фойдаланиш », ПҚ – 4005 қарорда «аквакультуранинг интенсив усулларини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш » вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, балиқ етиштиришнинг турли тизимларини қўллаш имкони мавжуд сув ҳавзаларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, турли типдаги сув ҳавзалари учун истиқболли бўлган замонавий аквакультура тизимини танлаш, балиқчилик сув ҳавзалари балиқ маҳсулдорлигини ошириш учун республикадаги мавжуд сув ҳавзаларидан комплекс фойдаланиш асосидаги замонавий ёндошувларни ишлаб чиқиш муҳим илмий – амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 – сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ– 2939 сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719 – сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Балиқ маҳсулдорлигини ошириш, сув ҳавзалари ҳолатини мониторинг қилиш, ҳовуз балиқчилигининг самарадорлиги ва интенсив аквакультура технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Heluzian Fisheries research institute (Хитой); Institute of aquaculture (Вьетнам) Institute of Fisheries (Польша); Research Institute for Fisheries, Aquaculture and Irrigation (Венгрия); Institute of Fisheries (Украина); Institute of Fisheries (Белоруссия); Кўл ва дарё балиқ хўжалиги давлат илмий-тадқиқот институти (Россия); Қозоғистон балиқчилик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон) ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ – 4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва балиқ маҳсулдорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: интенсив яйлов аквакультурасида турли сув ҳавзаларига балиқ ўтказиш меъёрлари аниқланган (Institute of Fisheries, Белоруссия); турли типдаги сув ҳавзаларига ноанъанавий балиқ турларни жорий этиш ва маҳсулдорлигини ошириш йўллари асосланган (Institute of Fisheries, Польша); сув ҳавзалари табиий озуқа базаси ҳисобига балиқларни ўстириш ҳамда уларга қўшимча ўғит ва озуқа бериш орқали маҳсулдорлигини ошириш технологиялари ишлаб чиқилган (Research Institute for Fisheries, Венгрия); ҳовуз балиқчилигида карп балиқларини поликультура шароитида етиштириш технологиялари такомиллаштирилган (Қозоғистон балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Қозоғистон); интенсив аквакультура шароитида осётр ва африка лакқа балиғини етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган (Кўл ва дарё балиқ хўжалиги давлат илмий-тадқиқот институти, Россия).

Дунёда турли типдаги сув ҳавзалари балиқчилигини ривожлантириш ва балиқ маҳсулдорлигини оширишни интенсивлаштириш бўйича, қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ноёб балиқ турларини турли типдаги сув ҳавзаларига иқлимлаштириш, балиқлар ўстириш тиғизлигини оптималлаштириш орқали турли сув типлари маҳсулдорлигини ошириш, маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқариладиган меъёрлашган озуқа қўшимчалари ассортиментини кенгайтириш, интенсив аквакультурада сув сифатини бир меъёрда сақлаб туришнинг инновацион йўллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мўътадил иқлим минтақалари сув ҳавзалари ва уларда балиқчиликни ривожлантириш йўллари С.Найр (2002), S.De Silva (2003), C.Brugere (2004), N.Mazur (2005), N.Boi (2008), A.Woynarovich (2010), S.Nelson (2016) лар тадқиқотларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида ички сув ҳавзаларида ов ихтиофаунасини шакллантириш технологияларини ривожлантириш ва ҳовузларда карпсимон балиқлар поликультурасини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар В.Козлов (1998), Ю.Привезенцев (2000), И.Проскуренко (2003), С.Александров (2005), М.Вундцеттель (2006), Ю.Мамонтовлар (2008) томонидан олиб борилган.

Республика ихтиофаунасини янги турлар билан бойитиш, маҳаллий ихтиофауна вакиллари хусусиятларини ўрганиш, ички сув ҳавзаларидан балиқ овлаш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари Ғ.Камилов (1973), Б.Ҳақбердиев (1983), А.Аманов (1985), Т.Салихов (1995), У.Мирзаев (2013), З.Мустафаева (2016) балиқчилик тизимида қўлланиладиган замонавий усуллар Б.Каримов, Б.Камилов (2008) тадқиқотларида ўз аксини топган. Бироқ, бу тадқиқот ишлари турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва шу асосда балиқ етиштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш бўйича маълумотларни ўзида акс эттирмайди. Шунга кўра, турли типдаги сув ҳавзалар табиий озуқа

базасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, аквакультура тизими учун балиқчилик омилларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва турли типдаги сув ҳавзалари учун истиқболли бўлган замонавий аквакультура тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий – амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сув муаммолари институти ва Балиқчилик илмий – тадқиқот институти илмий – тадқиқот ишлари режасининг «Иккиламчи сунъий гидроэкотизимлар экологик талаби бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг биоресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш» ва КХА-6-002-2015 «Ўзбекистон балиқчилик хўжаликларида ҳавза ҳосилдорлигини ошириш мақсадида карп балиғини поликультурада етиштириш технологиясини оптималлаштириш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзалари балиқ маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига балиқ етиштириш ҳажмини кўп марта оширишнинг биологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

балиқ етиштиришнинг турли тизимларини қўллаш имкони мавжуд бўлган республика сув ҳавзаларининг сув сифатини балиқчилик нуқтаи – назаридан баҳолаш;

турли типдаги сув ҳавзалар табиий озуқа базасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

республика сув ҳавзаларига кўчириб келинган янги балиқ турларини ҳозирги ов ихтиофаунасининг ажралмас қисми сифатида ўрганиш;

хусусийлаштирилган тармоқ шароитида ҳовуз поликультурасида қўлланилаётган технологияларни баҳолаш;

республиканинг турли типдаги сув ҳавзалари учун истиқболли бўлган замонавий аквакультура тизимини жаҳон тажрибалари асосида танлаш;

аквакультура тизими учун балиқчилик омилларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

республика балиқчилик сув ҳавзалари балиқ маҳсулдорлигини оширишга замонавий ёндошувларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг турли типдаги сув ҳавзалари ҳамда карп (*Cyprinus carpio L.*), камалакранг форель (*Oncorhynchus mykiss*) ва африка лаққаси (*Clarias gariepinus*) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сувнинг сифат кўрсаткичлари, табиий озуқа базаси, турли экологик гуруҳ вакилларининг миқдор ва сифат таркиби, турли балиқчилик цикллари қўлланилганда балиқларнинг ўсиши ва ривожланиши, балиқчилик ҳавзасида балиқлар биомассасининг ўсиши ва маҳсулдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ихтиологик, гидробиологик, гидрологик, экологик, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

текислик қисмдаги асосий балиқчилик ҳавзалари табиий озуқа базасининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган;

балиқчиликнинг асосий кўрсаткичлари ва балиқ ўстириш жадаллигининг турли даражалари билан боғлиқ ҳолда турли сув типдаги ҳавзаларда балиқчилик тизимини ташкил қилишнинг самарадорлиги очиб берилган;

балиқчилик омилларининг жадаллигини ўзгартириш орқали карпсимон балиқлар ҳовуз поликультура технологиясининг маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқланган;

сув захиралари характериға боғлиқ ҳолда интенсив аквакультура учун энг истиқболли йўналиши сифатида қафас аквакультураси тизими исботланган ва сунъий бериладиган озуқа, улар сифатининг ҳамда озиклантириш усулларининг боқиш интенсивлигидаги аҳамияти асосланган;

тоғ олди зоналари кенг миқёсда оқар сув бассейнларида қафасларда совуқ сув балиқчилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш йўллари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат;

маҳсус хўжаликларда асосий ва ягона маҳсулот етиштирувчи сифатида балиқчиликни ривожлантиришнинг интенсив механизми ишлаб чиқилган;

балиқчилик хўжаликларида сув ҳавзаларига мунтазам равишда ўтказиб турилиши лозим бўлган 4 тур балиқнинг ўтказиш меъёрлари аниқланган;

аквакултуранинг рециркуляцион тизимида товар балиқларни ўстиришда фойдаланилмасдан ота-она балиқлар галасининг қишлашини ташкил қилиш ва улардан эрта баҳорда сунъий урчитиш йўли орқали насл олиш ҳамда олинган балиқ чавоқларини вегетация даври бошланганига қадар парваришlash учун фойдаланиб сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқланган;

саноат аквакултураси технологияларидан фойдаланиб африка лаққаси ва карп балиқлари ўстиришнинг таянч технологиялари ҳамда сизот сувлари тўпланадиган кўллар ва ҳовузларда саноат аквакултурасининг энг истиқболли тизими – қафас аквакултураси учун таянч технологиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, кенг кўламда йиғилган материаллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, олинган маълумотлар замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республиканинг турли сув ҳавзалари овланадиган балиқлар ихтиофаунасининг шаклланиши асосланганлиги, карпсимон балиқлар ҳовуз поликультура технологиясини ривожлантириш

йўллари очиб берилганлиги, республикада қафас аквакультураси ва бассейн аквакультурасини ривожлантиришнинг биологик асосларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ҳовуз поликультураси, қафас ва бассейн аквакультура технологияларини турли типдаги сув ҳавзаларида балиқчилик маҳсулдорлигини ошириш, янги балиқ тур ва зотларини турли сув ҳавзаларига иқлимлаштириш, ҳовузлар маҳсулдорлигини оширишнинг интенсив усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг биологик асослари бўйича олинган натижалар асосида:

балиқчилик хўжаликларида сув ҳавзаларига мунтазам равишда ўтказиб турилиши лозим бўлган балиқларнинг турлар бўйича ишлаб чиқилган меъёрлари Навоий вилояти «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонаси амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада сув омборида ўртача балиқ маҳсулдорлигини гектарига 40 кг гача ошириш имконини берган;

саноат аквакультураси асосида балиқ ўстиришнинг таянч технологияси Жиззах вилояти «Абдухалил ота» МЧЖ амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада саноат аквакультураси асосида 1 м³ ҳажмдаги жойдан 92 кг африка лаққа балиғи ва 50 кг карп балиғи етиштириш имконини берган;

аквакультуранинг рециркуляцион тизимида балиқларни саноат балиқчилиги шароитида ўстиришнинг биологик асослари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Навоий вилояти «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонаси амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада, товар балиқларни ўстиришда фойдаланилмасдан, ота-она балиқлар тўдасининг қишлашини ташкил қилиш ва улардан эрта баҳорда сунъий урчитиш йўли орқали насл олиш ҳамда олинган балиқ чавоқларини вегетация даври бошланганига қадар парваришlash учун фойдаланиш асосида сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

қафас аквакультураси учун ишлаб чиқилган таянч технология Бухоро вилояти «Муборак Бухорий» МЧЖ амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 01/026-59-сон маълумотномаси). Натижада, балиқларни таянч технологиялар асосида тайёрланган грануланган ем билан боқиб 75 м³ сув ҳавзасидан 1800 кг ёки 24 кг/1м³ балиқ маҳсулдорлигига эришиш имконини берган;

совуқ сув балиқчилигида камалак ранг форел етиштириш технологияси Тошкент вилояти «Хонбалиқ» МЧЖ амалий фаолиятига жорий этилган

(Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2018 йил 17 апрелдаги 07/562-сон маълумотномаси). Натижада совуқ сув балиқчилигида форель маҳсулдорлигини $0,2 \text{ кг/м}^3$ дан $20\text{-}40 \text{ кг/м}^3$ га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия қилинган журналларда 13 та мақола, шулардан 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 3 та монография, 2 тавсиянома, 1 йўриқнома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ҳамда предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти уларнинг амалиётга жорий қилиниши баён этилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ички сув ҳавзаларида балиқ етиштириш тизимининг турли-туманлиги» деб номланган биринчи бобида Орол денгизи ҳавзасининг гидрографик хусусиятлари, атроф-муҳитга балиқчилик талаблари, жаҳон чучук сув аквакультурасида балиқ етиштириш технологияларининг турли туманлиги бўйича адабиётлар шарҳи атрофлича келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг турли типдаги сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ўрганишнинг биологик асослари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва услублари келтирилган. Тадқиқот олиб борилган сув ҳавзалари ихтиофаунаси турлар таркиби ўрганилган. Гидробиологик тадқиқотлар натижасида табиий озуқа организмларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўрганилган. Ҳовуз балиқчилигида етиштирилаётган балиқлар балиқчилик кўрсаткичлари ўрганилган (озуқа ва ўғитлар миқдори, овлаш, ҳовузлар маҳсулдорлиги). Қафас мосламаларида, оқар сув бассейнларида карп, форель ва африка лаққа балиқларини ҳар хил ўстириш тиғизлигида етиштириш, озиклантириш бўйича тажрибалар ўтказилган. Санок маълумотлари вариацион статистика усулларида қайта ишланган.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари овладиган балиқлар ихтиофаунасининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш» деб номланган учинчи бобида турли типдаги сув ҳавзаларининг (дарёлар, ирригация каналлари, дренаж каналлари, сунъий балиқчилик каналлари ва бошқалар) Орол денгизи ҳавзаси йирик дарёларининг юқори, ўрта ва кўйи оқими сув ҳавзаларига Чирчиқ дарёси мисолида сув сифати бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) республикамиздаги муҳим балиқчилик хўжалиги мажмуаси бўлиб (республикамизда овладиган балиқларнинг қарийб 60 % шу ердан тугилади) умумий майдони 350 минг гектардан кўп майдонни эгаллайди. Сув ҳавзасининг ўртача чуқурлиги 6-8 метрни ташкил этади. Бу кўлларда 1980 йиллардан бошлаб, балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилган. (шу жумладан иқлимлаштириш ишлари ҳам).

Арнасой сув омборида сув оқими кучли эмас, сувининг ранги яшил, сувининг тиниқлиги 3,5 метр (Секки диски бўйича) қирғоғи тош, шағаллардан, сув туби эса кўнғир лойқадан ташкил топган. Қирғоғи қамишлар билан (30 %), саёз қисмида рдест (80% гача) (*Potamogeton crispus*, *P. pectinatus*). Куз пайти хара (*Chara fragilis*) ёппасига ривожланиши кузатилади.


Тузкон кўли сув оқими жуда секин, сувининг ранги феруза-яшил, тиниқлиги 1,3-2,6 м, суви ҳавзасининг туби қорамтир-кўнғир ёки қум аралаш қора лойқадан иборат. Қирғоғи оддий қамиш (*Phragmites communis*) билан 70% гача қопланган. Макрофитлар ўртача тарқалган ва сув тубини алоҳида тўп-тўп бўлиб, ёки доғ кўринишида асосан рдест ва бошоқли урут (*Meriophyllum spicatum*) билан қопланган.

Айдаркўл кўлида сув оқими жуда секин, сувининг ранги қорамтир-кўк, тиниқлиги 3,0-3,7 м; сув ҳавзасининг туби қум – лойқа ва қора – лойқа билан қопланган. Юксак сув ўсимликлари кучсиз ривожланган (10% гача) бўлиб асосан рдестнинг икки тури (*Potamogeton perfoliatus*) ва жингалак (*P. crispus*) билан қопланган.

Фитопланктон намуналарида (2015 й.) 175 тур аниқланган. Уларнинг асосий қисми диатом сув ўтларидан (Bacillariophyta) – 87 тур, кўк – яшил сув ўтлари (Cyanophyta) – 40, яшил сув ўтлари (Chlorophyta) – 37. Фитопланктон сув ўтлари жамоаси асосан кенг тарқалган ипсимон кўк – яшил сув ўтларининг *Microcystis*, *Merismopedia*, *Gloeocapsa*, *Gomposphaeria*, *Synechococcus*, *Oscillatoria*, *Phormidium*, *Lyngbya*, *Anabaenopsis*, *Aphanotohece* туркуми вакилларида ташкил топган. Кўк – яшил сув ўтларининг сони $3812,50 \cdot 10^3$ кл/л дан $10600,0 \cdot 10^3$ кл/л оралиғида, биомассаси эса мос равишда – 166.47-302.06 мг/л ни ташкил қилади. Диатом сув ўтлари ҳам чучук сувда яшайдиган *Melosira*, *Cyclotella*, *Synedra*, *Fragilaria*, *Cocconeis*, *Navicula*, *Nitzschia* туркум вакилларида, ҳам шўр ва шўр – денгиз яъни юқори даражада минераллашган сувли (Тузкон кўли) ҳавзаларда яшашга мослашган – *Diplonei Smithii*, *Navicula protracta v. subcapitata*, *Navicula humerosa*, *Nitzschia apiculata*, *Hantzschia virgata* ва унинг қиёфдоши,

Mastogloia Smithii ва унинг қиёфадоши, *Entomoneis paludosa*, *E.alata*, *Amphora coffea formis* ва бошқалардан иборат. Диатом сув ўтларининг миқдори $918,75 \cdot 10^3$ - $1712,50 \cdot 10^3$ кл/л оралиғида ўзгариб туради. Биомассаси эса 158.825 - 1621.013 мг/л гача бўлади. Яшил сув ўтлари (Chlorophyta) ёзда нисбатан турли туман бўлади ва қуйидаги туркум вакиллари *Ankistrodesmus*, *Dictyosphaerium*, *Oocystis*, *Chlamidomonas*, *Carteria*, *Colenkinia*, *Langerheimia*, *Scenedesmus*, *Palmellocystis*, *Binuclearia*, *Tetraedron*, *Cosmarium*, *Coelastrum*, *Mougeotia*, *Vaucheria* кенг тарқалган, улардан айримлари яққол галофил саналади (*Oocystis borgii*, *Oocystis marssonii*, *Chlorocococcum turgida*, *Scenedesmus quadricauda*, *Cosmarium formulosum* ва бошқалар. Яшил сув ўтларининг миқдори $592,250 \cdot 10^3$ - $3837,500 \cdot 10^3$ кл/л оралиқда ўзгариб туради, биомассаси эса мос равишда – 87.64-783.86 мг/л ни ташкил қилади. Кристофитлар, динофитлар, тилласимон ва эвгленасимонлар вакили намуналаримизда кам учради ва асосан қуйидаги туркум вакилларидан ташкил топган: *Cryptomonas*, *Glenodinium*, *Peridinium*, *Ceratium*, *Chromulina*, *Dinopryon*, *Euglena* ва *Phacus*.

Кейинги саккиз йил давомида ААКТ фитопланктон сув ўтларининг миқдорий ривожланиш динамикаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. ААКТ фитопланктон сув ўтларининг миқдорий ривожланиши

ААКТ зоопланктонлар жамоаси асосан уч гуруҳ вакилларидан ташкил топган: *Rotifera*, *Cladocera* ва *Copepoda* (2011-2012 йй.), 77 тур – планктон организмлар шу жумладан, 12 тур – кладоцералар, 6 тур – копеподалар ва 59 тур – коловраткалар аниқланди. Кўллардаги зоопланктон организмлар тур таркиби бир – биридан сезиларли тарзда фарқ қилмайди. Зоопланктон организмлар миқдор жиҳатидан нисбатан кўп тарқалган вақти ёз ойларига тўғри келади ва копеподалар сони 238-299 минг.экз/м³ оралиғида, биомассаси – 4,981-6,4 г/м³ (Арнасой сув омборида.), 1,0-39,0 минг.экз/м³ биомассаси – 0,113-0,767г/м³ оралиғида (Тузкан кўлида) ўзгариб туради. *Cladocera*лар миқдори 11,6-90 минг.экз/м³, биомассаси мос равишда – 0,441-0,914 г/м³; оралиғида, *Rotifera* миқдори 48,33 минг.экз/м³, биомассаси – 0,0145 г/м³ оралиғида ўзгариб турди.

ААКТ бентофауна комплекси чучук сув – шўр сувларда кенг тарқалган қисқа умр кўрадиган ҳашарот туркумлари *Cloeon*, *Caenis*, *Baetis*, личинкаларидан, *Ceratopogonidae* gen.sp. жуфт қанотлилар личинкаларидан, *Coenagrionidae* оиласига мансуб ниначилар личинкаларидан, креветкалардан *Macrobrachium nipponense asper*, кўнғизларнинг *Haliphus*, *Gyrinus*, *Coelambus*, туркумидан ва циклоплардан ташкил топган. Юмалоқ чувалчанглар, нематодалар, олигохетлар, *Naidinae*, кенжа оиласи қисқичбақасимонлар, мизидлар, гелеид личинкалари ва бошқалар кам сонда учради. Бентослар жамоасининг кенг тарқалган гуруҳи лойкаҳўр шаклларидан, р-сапрофит кам тукли чувалчанглар вакилларидан, *Tubificidae* оиласи ва хирономид личинкаларидан, *Chironominae* кенжа оиласидан (60% гача) ташкил топган. Зообентослар биомассаси лойка тупроқдан ўлчанганда 1708-5351 мг/м²ни ташкил қилди. Фитофил биоценоздаги хирономид личинкалари миқдори 25 - 235 экз./м², биомассаси – 0,5-2,0 г/м² ни ташкил қилади. Макро зообентослар миқдор жиҳатдан ривожланиши кўллар тизимида ёзда (2015 йил) Шарқий Арнасойда 41,5-725 мг/л, Тузкон кўлида 500-6416 мг/л оралиғида ўзгариб турди. Оғирлиги жиҳатдан креветкалар *M. Nipponenseasper* устунлик қилди. Арнасой сув омбори зообентоси миқдори 18- 629 экз./м², биомассаси – 1,8-4,9 г/м² оралиғида ўзгариб турди.

Тудақўл сув омборининг гидрокимёвий режими хлорид – кальцийлик типга киради, минераллашув миқдори ўртача 2,2 г/л дан ошмайди. Вегетация даврида сувда эриган кислород миқдори 5,6-13,7 мг/л оралиғида бўлади. рН нинг ўртача ойлик миқдори 7,2-8,2. Сув ҳавзасининг туби текис, қарийб ясси, сув ҳавзасининг марказий қисми кулранг лойка тупроқли, сув оқадиган қисми қум шағаллик. Сув омборининг қирғоқ зонаси сув олди ва чўл ўсимликлари билан қопланган.

Фитопланктонлар мажмуаси асосан, кўк-яшил, диатом ва яшил сув ўтларидан ташкил топган. Кўк-яшил сув ўтларининг (*Cyanophyta*) 32 дан ортиқ тури аниқланди (Сув ўтлари умумий миқдорининг 20,78 %). Диатом сув ўтлари (*Bacillariophyta*) *Melosira*, *Cyclotella*, *Synedra*, *Achnanthes*, *Cocconeis*, *Diploneis*, *Entomoneis*, *Gyrosigma*, *Navicula*, *Nitzschia*, *Surirella* туркумининг вакилларидан ташкил топган ва уларнинг кўпчилиги бир вақтда эвтрофикациялашган сув ҳавзалари учун ҳам хос. Диатом сув ўтларининг миқдори $231,250 \cdot 10^3$ - $3687,500 \cdot 10^3$ кл/л гача оралиқда, биомассаси эса мос равишда – 0.05304 мг/мл ва 0.32077 мг/мл ни ташкил қилади

Яшил сув ўтлари (*Chlorophyta*) ўрганилган сув омборида яхши ривожланган бўлиб, асосан *Ankistrodesmus*, *Oocystis*, *Chlorocococcus*, *Carteria*, *Dictyosphaerium*, *Scenedesmus*, *Tetraedron*, *Cosmarium*, *Coelastrum*, туркум вакилларидан ташкил топган, улардан айримлари (*Oocystis borgii*, *Chlorocococcus turgida*, *Scenedesmus quadricauda*, *Cosmarium formulosum* ва бошқ.). $812,500 \cdot 10^3$ – $5693,750 \cdot 10^3$ кл/л гача, биомассаси мос равишда - 0.26265 мг/мл ва 1.92983 мг/мл. ни ташкил қилди. Зоопланктонлар жамоаси асосан уч гуруҳ организмлари: *Rotifera* – 10, *Cladocera* – 3, *Copepoda* – 2 турдан ташкил топган бўлиб, асосан баҳор-ёз ойларида уларнинг кучли ривожланиши кузатилади. Коловраткалар миқдори $9,8^3$ - $324,6$ экз/м³,

биомассаси – 0,15-1,25мг/м³, копеподалар миқдори 15,8 - 4060,0 экз/м³, биомассаси – 0,03- 425,55мг/м³ оралиғида ўзгариб туради.

Бентофауна мажмуаси асосан кенг тарқалган чучук-шўр сув организмларидан: b-, b-a-, a-эврисапрофит турлар, ниначи личинкалари, қисқа умр курувчи ҳашаротлар, жуфт қанотлилар личинкалари, мизидлар, креветкалар, ён сузарлар, хирономидлар личинкаси ва олигохетлардан иборат. Бентослар жамоасидан креветкаларнинг вакили *Macrobrachium nipponense* устунлик қилади, ҳақиқий сув туби фаунаси олигохет-хрономидлар устунлик қилади. Миқдор кўрсаткичи ёзда 90-160 экз/м², биомассаси – 0,5-3,5мг/м² оралиғида ўзгариб туради.

Ўзбекистон балиқчилик сув ҳавзаларининг фонди (сув омборлари, сизот сувлари тўпланадиган кўллар) тахминан 536 минг гектарни ташкил этади. Ўзбекистондаги балиқ турларининг рўйхати табиий ҳолатда 44-49 тур балиқни ўз ичига олган. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Ўзбекистон ихтиофаунаси икки комплекс антропоген омил: а) йирик масштабда ирригацион қурилишлар (сув омборлари яратилиши, сизот сувлари тўпланадиган кўллар, ирригацион ва коллектор – дренаж каналлар қурилиши) ва в) янгидан пайдо бўлган сув ҳавзалар балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида уларга балиқларнинг янги турларини кўчириб ўтказиш (балиқчилик ҳовузлари, ирригацион сув ҳавзалари) таъсирида қолди. Янги турларни кўчириб ўтказишни уч қисмга ажратиш мумкин: а) Орол денгизининг шўрланиши натижасида ундаги абориген турлар йўқолгандан кейин; б) янги яратилган ирригацион сув ҳавзаларига (сув омборлари, кўллар); в) республикада ташкил қилинган ҳовуз балиқчилиги учун.

Ўзбекистон сув ҳавзаларига ҳаммаси бўлиб, 47 тур кўчириб келинган, улардан 23 тури мақсадли, қолган 24 тури эса тасодифан келиб қолган. Донор сув ҳавзалари эса қуйидагича тақсимланган: Каспий денгизи (8 тур), Қора денгиз (1), Болтиқ денгизи (1), Кавказ сув ҳавзалари (2), Россиянинг Европа қисми (8), Қирғизистон сув ҳавзалари (4), Қозоғистон ҳовузлари (3), Узок шарқ дарёларидан (20) .

Орол денгизига 10 тур олиб келинган, янги қурилган сув омборларига 4 тур ҳамда ҳовузларга 31 тур шунингдек, ҳар хил типдаги сув ҳавзаларига гамбузия балиғини кўчириб келишган. Олиб келинган балиқлар ҳавза ичида иккинчи тартибда яна кўчирилган, яъни кўчириб келинган сув ҳавзаларидан бошқа сув ҳавзаларига иккиламчи тарзда кўчирилган, 20 тур эса иккиламчи кўчирилмаган. Янги шароитда 31 тур балиқнинг кўпайиши кузатилган 16 турнинг эса кўпайиши аниқланмади. Ҳозирги вақтда кўчириб келинган балиқларнинг 22 тури йўқолиб кетган, 7 тури кам сонли, қолган 18 тур эса кенг ва жуда кўп тарқалган. Олиб келинган балиқларнинг 6 тури қимматбаҳо овланиш аҳамиятига эга, 18 тури овланадиган ва 23 тури кам қийматли ёки хашаки балиқлар саналади.

Бир қатор олиб келинган турлар яшаб кетолмади, кўпайиш учун шароит топа олмади, шаклланган ихтиофауна сикувига бардош бера олмай янги шароитдан йўқолиб кетди. Бошқа бир қатор турлар эса дастлаб Орол

денгизида яшаб қолишди, сўнгра эса унинг суви шўрланиши билан йўқолиб кетишди. Олиб келинган балиқларнинг яшаб қолишини муайян бир сув ҳавзасида сув ҳавзасида, масалан, ҳовузлар, сув омборлари, сизот сувлари тўпланадиган кўлларда маҳаллий турнинг турғун шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Айрим турлар янги сув ҳавзасида яшаб кўпайди, бироқ бошқа ҳавзаларга географик ёки экологик тўсиқлар туфайли тарқалиб кетолмади. Бошқа бир турлар эса бутун Орол денгизи ҳавзаси бўйлаб кенг тарқалди, бу ҳолат бир марта 1960 – йилларда рўй берди. Узоқ Шарқ балиқларини балиқ хўжалиқларининг янги ҳовузларига олиб келишди, улар кейинчалик республикада қурилган янги ҳовузларга, янги ирригацион каналларга иккиламчи кўчириб ўтказилди. Яъни бу ҳавзаларнинг шароити ҳам кўчириб келинган балиқ турлари учун ҳам абориген турлар учун ҳам янги эди. Абориген турлардан қайси бир жиҳати бўйича устун бўлган турлар кенг тарқалди. Айрим турлар эса экологик бўшлиқни банд этишди (кумуш товон балиқ – детритлар билан, оқ дўнгпешона фитопланктон билан, чипор дўнгпешона зоопланктон билан, оқ амур сув ўсимликлари билан озикланиб экологик бўшлиқни банд этишди). Бир қатор хитой фаунистик комплекси турлари кўпайиш хусусиятларида: насл ҳақида ғамхўрлик, эрта жинсий вояга етиш, жинсий етилишининг порционлиги, юқори серпуштлилик (илон бош (*Channa(=ophiocephalus)argus warpachowskii*), учлаб (*Opsariichthys uncirostris* T), псевдорасбор (*Pseudorasbora parva* S) , кўзли тахир балиқ (*Rhodeus ocellatus* K), риногобиус (*Rhinogobius* sp.), кирра қорин (*Hemiculter lucidus*), микроперкопс (*Micropercops cinctus* D) устунлик қилишди. Ўзларининг она региониди (Хитой сув ҳавзалари, Амур дарёси) бу турлар йиртқичларнинг кучли исканжасига мослашган, натижада улар кўчириб келинган сув ҳавзасида нисбатан рақобат бардош бўлиб чиқди ва маҳаллий хашаки балиқлар тўдасига салбий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, зарафшон чебаги-*Leuciscus lehmanni*, туркистон қумбалиғи – *Gobio gobio lepidolaemus*, тошкент юза сузари – *Alburnoides oblongus*, сирдарё чебаги – *Leuciscus qualius culus*, орол тиканаги – *Cobitis aurata aralensis*, тарғил тезсузар – *Alburnoides taeniatus*, Кушакевич яланг балиғи – *Noemacheilus kuschakewitschi* каби бир қатор турларнинг ареали кучли қисқариб фақатгина тоғ олди сув омборларида қолди.

Олиб келинган балиқ турлари Ўзбекистонда балиқ етиштириш ҳажмига жуда катта таъсир кўрсатди. Ҳовуз балиқчилигида оқ ва чипор дўнгпешона, карп, оқ амур балиқлари етиштирилади, шунингдек тасодифан келиб қолган балиқ турларидан кумуш товонбалиқ ва оқ сла балиқлари овланади. Балиқ овлашда эса орол қизил кўз балиғи асосий овланадиган тур ҳисобланади, шунингдек, карп балиғи ва оқ дўнгпешона балиқларининг ҳиссаси салмоқли бўлиб қолмоқда. (1-жадвал). Овланадиган балиқлар ичида кўчириб келинган балиқлар улуши катта. Орол қизил кўз балиғи Орол денгизи ҳавзаси гидрографик тармоғида овланиш даражасидаги тўдаларни шакллантирмаган, аммо сув омборлари қурилгандан кейин ва оқова кўлларнинг пайдо бўлиши натижасида (яъни антропоген таъсир) ушбу тур ўзи учун жуда қулай яшаш

шароитини топди ҳамда тез орада кўпайиб асосий овланиш аҳамиятига эга балиққа айланди.

1-жадвал

Ўзбекистон сув ҳавзаларидан овланадиган балиқлар (2008-2016 йиллар), овланган балиқлардаги улуши %

| Балиқ тури | Республика турли дарёлари бассейнларидаги ҳавзалардаги улуши | Ўртача |
|-------------------------|---|--------|
| Орол қизил кўз балиғи | 11 - 62 | 35 |
| Оқ дўнгпешона | 2 - 32 | 14 |
| Оқча | 3 - 24 | 14 |
| Карп / сазан | 5 - 13 | 12 |
| Кумуш товонбалиқ | 4 - 20 | 11 |
| Оқ сла | 2 - 10 | 6 |
| Мой балиқ | 1 - 2 | 2 |
| Турли хил балиқ турлари | 3 - 8 | 6 |

Диссертациянинг «Карпсимон балиқлар ҳовуз поликультура технологиясини ривожлантиришнинг биологик асослари» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон шароитидаги ҳовуз балиқчилиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Балиқ овлашдан фарқли равишда ҳовуз балиқчилиги мақсадли сув таъминотини талаб қилади. Ҳовуз балиқчилик хўжалиқларининг тўла қонли фаолият юритиши учун бугунги кунда республикамиз бўйича йилига 462 млн. м³ ер юзаси суви февраль – март ойларида ҳовузларни тўлдириш учун керак, шунингдек кейинчалик вегетация мавсуми давомида буғланган ва ерга синган сувлар ўрнини қоплаш учун ҳам зарур бўлади. Ҳозирги вақтда республикамиздаги ҳовузлар фонди яратилган бўлиб уларнинг майдони 31 минг гектардан ошади, шундан 12 минг гектари 1991 – йилгача режали иқтисод даврида қурилган, қолганлари эса хусусий тадбиркорлар томонидан кейинги ўн йилликда қурилган.

Озуқа ва минерал ўғитлар сарфи (асосий сармоя харажатлари) майдон бирлигига ва ҳовузлар балиқ маҳсулдорлигига таъсир кўрсатади: озуқа ва минерал ўғитлар сарфи, ҳовузлар майдони, ушланган балиқлар миқдори ва балиқ маҳсулдорлиги билан ўзаро боғлиқ, ҳамда уларнинг корреляция коэффициенти 0,80 – 0,99 оралиғида ўзгариб туради. Озуқа сарфи озуқа коэффициенти кўрсаткичига таъсир кўрсатмади ($r = - 0,14$). Таҳлил натижалари озуқа коэффицентининг берилаётган озуқа билан, ўстирилаётган карп балиғи сони билан ($r = - 0,6$) ва ўстирилаётган балиқлар умумий сони боғлиқ эмаслигини кўрсатди. ($r = - 0,5$), шу билан бирга кўрсаткич ҳовузлар майдонига, ўстирилаётган оқ дўнгпешона миқдорига, озуқа сарфига, минерал ўғитлар сарфига ва балиқ маҳсулдорлигига боғлиқ эмас. Яъни балиқ сони қанча кам бўлса, шу жумладан карп, берилаётган

озуқадан шунчалик самарали фойдаланиш имкониятини беради бу балиқчилик хўжаликларига даромад келтиради. Шу сабабли ҳам балиқчилик хўжаликлари хусусийлаштиришдан олдин ва ундан кейин (1990 - 2000 йй). ҳам шу йўлдан боришди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республика текислик зоналари шароитида балиқ етиштириш ва озуқа сарфи балиқлар тури бўйича қуйидаги тенглама билан таърифланади: а) Жами овланган балиқлар = $3,7+0,349*Q$; б) Оvlanган карп = $0,217* Q^{0,949}$; в) Оvlanган оқ дўнгпешона = $3,43+0,172*Q$ (бунда Q – озуқа сарфи; озуқа сарфи ва ҳосилдорлик бир ўлчов бирлигида).

Балиқ маҳсулдорлиги билан ҳовузларга берилган минерал ўғитлар ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди. ($r = 0,92$): Маҳсулдорлик (кг балиқ/га) = Минерал ўғит (кг/га).

Минерал ўғитларни бериш меъёри балиқ маҳсулдорлиги билан ижобий боғланган ва қуйидаги регрессия тенграмаси билан таърифланади: Маҳсулдорлик (кг балиқ/га) = $525,7 + 329,6*Oзуқа$ (т/га)

Олинган натижалар асосида шартли ҳовузларда ҳар хил маҳсулдорликка: 10 ц/га, 20 ц/га, 30 ц/га эга бўлиш учун талаб этиладиган ҳаражатлар моделини тузиб чиқдик. (2-жадвал) (мутлак кўрсаткич ва маблағ кўрсаткичида), фойда ва умумий даромад.

2-жадвал

100 гектарлик шартли ҳовузда товар балиқларни турли моделларда етиштирганда сарфланадиган маблағ (ш.б.)

| Иқтисодий кўрсаткичлар | Балиқ маҳсулдорлиги | | |
|-----------------------------|---------------------|---------|---------|
| | 10 ц/га | 20 ц/га | 30 ц/га |
| Таннархи | 72,6 | 151,2 | 233,2 |
| Оvlanган товар балиқ, т | 100 | 200 | 300 |
| Фойда (кг/ 2 ш.б. бўлганда) | 200 | 400 | 600 |
| Умумий даромад | 127 | 249 | 373 |

Нисбатан юқори балиқ маҳсулдорлигида сув ва унинг майдонидан самарали фойдаланилади ва кўп фойда ҳамда кўпроқ умумий даромад олинади. Шундай қилиб, ҳовуз карп балиқчилиги республикада балиқ етиштириш ҳажмини, оқилона бошқариш, молиялаштириш, балиқ етиштириш учун зарур хом ашё билан етарли миқдорда таъминлаш орқали 90-100 минг тоннагача ошириши мумкин. Аммо, бундан ортиғига назарий билимлар чегараси, ижтимоий-иқтисодий қизиқишнинг камлиги, қолаверса, фойдаланилаётган технологиянинг қуввати етмайди.

Сув захираларининг тақчиллиги туфайли коллектор – сизот сувларида балиқлар учун яйлов хавзалари сифатида фойдаланиш истиқболли саналади.(балиқ чавоқлари чучук сувли балиқ питомникларидан олиб келинади). Дренаж каналлар сувининг минераллашиш даражаси 3-8 ‰ ни ташкил қилади. Коллектор тизим кўпроқ республиканинг текислик қисмида қурилган ва каналлар кўпинча қишлоқ хўжалиги томонидан ўзлаштирилган майдонлар орқали ўтади. Ўзбекистон бўйича жами майдони 5110 га коллектор – дренаж ҳовузлари қурилганлигини аниқладик, шу жумладан

Сирдарё вилоятида – 1536 га, Фарғона вилоятида – 1994 га, Хоразм вилоятида – 930 га ва Тошкент вилоятида – 650 га. Ҳовузларни тўлдириш учун 91,7 млн. м³, ҳовузларнинг тубига синдириш учун 8,13 млн. м³, сувнинг буғланиши ва тупроққа сингиши натижасида йўқотилган қисмини қоплаш учун 50,9 млн. м³ сув зарур бўлади. Қисман шўрланган сувлардан фойдаланиш натижасида республикада 9993 тонна балиқ етиштирилган (2016 й.) ҳовузларнинг ўртача балиқ маҳсулдорлиги – 19,5 ц/га ташкил қилган.

Шундай қилиб, мўътадил иқлимнинг мавсумийлик яққол намоён бўладиган жанубида, ҳовуз балиқчилигида қўлланилаётган технологиялар ўзининг технологик даражаси учун сувдан (чучук, қисман шўрланган) самарали фойдаланиб келмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда қафас аквакультурасини ривожлантиришнинг биологик асослари**» деб номланган бешинчи бобида республика шароитида қафас мосламасида экстенсив, ярим интенсиф ва интенсиф усулларда балиқ етиштириш бўйича олиб борилган тажриба натижалари келтирилган. Қафаслар – турли типдаги сув хавзаларда балиқ етиштириш бўйича янги, истиқболли муқобил технология эканлиги кўрсатиб берилган.

Балиқчилик ҳовузларида барча турдаги чора – тадбирлар (ўғитлаш, ҳовуз балиқларини ўтказиш, қўшимча озиқлантириш) тўлиқ ўтказилган хўжаликларда карп балиғини қафасларда ўстириш бўйича бир қатор тажрибалар ўтказдик. Карп балиғининг ўстирилган личинкаларини май ойида чавоқлар ҳовузида ўрнатилган қафасларга 100, 600, 2000 дона/м³ тиғизликда жойлаштирдик, личинкалар ҳовуздаги табиий озуқа базаси организмлари билан озиқланишди, бундан ташқари қафасларга кунаро омухта ем уни ва соя сутини (қафасдаги личинкалар биомассасининг 20%) алмаштириб бердик. 25 кундан кейин барча қафаслардаги личинкалар чавоқ босқичигача ривожланди, уларнинг ўртача оғирлиги мос равишда 0,95, 0,93, 0,75 г ни ташкил қилди, шу билан бирга, 100, 600 дона/м³ тиғизликда ўтказилган қафаслардаги чавоқлар натижаси бир-биридан деярли фарқ қилмади, 2000 дона/м³ тиғизликда ўтказилган қафасда натижа сезиларли тарзда фарқ қилди. Чавоқларнинг чиқиши (личинкалардан чавоққа айланиш) 78 – 95 % ни ташкил қилди.

